



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Iyul

1682 -son

Bog‘ot shaharchasi

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ёшлар дастурларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш бўйича алоҳида тизим яратилганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Туман ҳокимлиги ҳузурида ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш, ёшлар дастурларининг ижросини тизимли йўлга қўйиш ва мониторингини юритиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 25 декабрь куни мамлакатимиз ёшлари билан ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумининг 100-сонли баёни ҳамда 2020 йил 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган “Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 98-сонли йиғилиш баёнида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

Қарор қиламан:

1. Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва тизимли ҳал қилишни таъминлаш Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича идоралараро туман штаби (бундан кейинги ўринларда - Штаб деб юритилади) фаолияти йўлга қўйилсин ва унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман штабининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин: жойларда тегишли корхона ва ташкилотлар томонидан ёшлар муаммоларини ўрганиш натижадорлигини баҳолаш, “2020-2021 йиллар давомида ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури” ижросини мониторинг қилиш;

мунтазам ҳудудларга чиққан ҳолда “Ёшлар дафтари”нинг юритилишини

ўрганиб бориш, маҳаллаларда очик мулоқатлар ўтказиш, аниқланган муаммоларнинг жойида ҳал қилиш чораларини кўриш;

туман ҳокимлиги ва давлат ташкилотлари олдига ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, бандлигини таъминлаш бўйича кўшимча имкониятлар юзасидан таклифлар киритиб бориш.

3. Туман ҳокими биринчи ўринбосари С.Қурбонов туман штаби фаолиятини самарали ташкил этиш учун туман ҳокимлиги биносидан алоҳида хона ажратсин ҳамда зарур техник воситалар, канцелярия жиҳозлари билан таъминласин.

4. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича идоралараро туман штаби ўз йўналишлари бўйича ишчи гуруҳлар фаолияти устидан назоратни амалга оширсин.

5. Туман ҳокимлиги уч кун муддатда ҳокимлик ҳузурида ёшлар билан ишлаш бўйича ишчи гуруҳ фаолиятини белгиланган тартибда йўлга қўйсин.

6. Туман ҳокимининг ўринбосари-штаб раҳбари ўринбосари Р.Шарипов штаб фаолияти бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳафталик маълумотларни туман ҳокимига киритиб борсин.

7. Савдо-саноат палатаси И.Матёкубов, туман бандликка кўмаклашиш маркази (Д.Бекчанов) билан биргаликда **уч ой муддатда “Ёшлар:1+1”** дастури доирасида палатанинг ўқув марказларида уюлмаган ва ишсиз ёшларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитишни ташкил этсин.

8. Туман ҳокими биринчи ўринбосари С.Қурбоновга **2021 йилда “Ҳар бир тадбиркор-ёшларга мадаткор”** тамойили асосида кўнгилли тадбиркорларни жалб қилган ҳолда, 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ёшларни бириктириш ташаббусини амалга оширсин.

9. Туман бандликка кўмаклашиш маркази директори Д.Бекчанов ишсиз ёшларни уста хунармандларга “устоз-шогирд” анъанаси асосида бириктириш орқали, уларга касб-хунар ўргатиш ва хунармандчилик билан шуғулланиши учун шароитини таъминласин ҳамда “устоз-шогирд” анъанасига жалб қилинган хунарманд усталарни Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан моддий рағбатлантириш тизимини жорий этсин.

10. Туман ҳокими ўринбосарлари С.Қурбанов, А.Қуръязов, У.Ёкубов, Р.Шарипов, туман молия бўлими мудирини Ж.Рўзметов, туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Х.Жуманиёзов биргаликда **10 кун муддатда** туманда Ёшлар кичик саноат зонасини ташкил этиш юзасидан туман ҳокими қарори лойиҳасини ишлаб чиқсинлар ҳамда Ёшлар кичик саноат зонасида ишлаб чиқариш биноларини қуриб, ёшларга имтиёзли шартларда ижара ва лизинг асосида ҳамда солиқ имтиёзларини жорий этиш назарда тутилсин.

11. АТБ “Микрокредитбанк” туман филиали (Ф.Алимов) 2021 йилда **45 млн. долларлик** маблағларни касб-хунар ва тадбиркорлик соҳаларига ўқиб, сертификат олган ёшларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862 сонли Қарорининг 5-бандида кўрсатилган мақсадлар учун имтиёзли фоизларда микрокредитлар ажратишга йўналтиришни таъминласин.

12. Туман ҳокими биринчи ўринбосари (С.Қурбанов), тумандаги тижорат банклари (А.Сапаев, Б.Жобборов, Ф.Алимов) биргаликда Марказий банк

томонидан 2021 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури учун ажратилган маблағларни ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳаларига йўналтирсин.

13. Сектор раҳбарлари оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури орқали ёшларнинг бизнес лойиҳалари самарали амалга оширилишини таъминлашга **шахсан масъул этиб белгилансин.**

14. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (Э.Рўзметов) 2021 йилда кенг жамоатчиликни авваламбор, кўпни кўрган мўътабар нуронийлар, оқида ва меҳрибон оналар ҳамда фаол ёшларни жалб этган ҳолда оилавий низоларнинг олдини олиш, ажримларни камайтириш бўйича аниқ ва тизимли **“маҳаллабай”** тарғибот тадбирлари, уйма-уй юруш орқали тушунтириш ва мулоқотларнинг амалга оширсин.

15. Туман телекоммуникация боғламаси (Ж.Худайкулов) **10 кун ой муддатда** “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 2021-2022 йилларда 1500 нафар ёшларни компьютер дастурлаш асосларига бепул ўқиш ва соҳага қизиқадиган ёшларни аниқлаш, ўқитиш ва иш билан таъминлашга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиб, амалга оширилишини йўлга қўйсин.

16. Туман халқ таълими бўлими (Т.Мирзаев), Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими (О.Матниёзов), туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими (Ш.Шерметов) биргаликда 2021 йил 1 январдан ёшлар, жумладан уюлмаган ёшлар қатламини оммавий спортга кенг жалб қилиш, уларнинг жисмоний ва маънавий етук бўлиб улғайишлари учун зарур шароитларни яратиш мақсадида умумтаълим мактаблари спорт залларидан дарсдан ташқари вақтларда унумли фойдаланишга қаратилган ишларни тизимли ташкил этсин.

17. Туман бандликка кўмаклашиш маркази директори Д.Бекчановга 1792 нафар ишсиз ёшларни бандлигини таъминлансин, ҳамда ёшлар дафтариغا киритилган 287 нафар ёшларни касб-хунарга ўқитиш вазифаси юклатилсин.

18. Туман молия бўлими (Ж.Матёкубов) 5 та муҳим ташаббус доирасида тумандаги таълим муассасаларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш вазифаси юклатилсин.

19. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев